

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MAKTABGACHA VA MAKTAB TAʼLIMI  
VAZIRLIGI**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАʼЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ  
RESPUBLIKA KENGAШИ**

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда  
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши  
ўртасида Доимий асосда фаолият кўрсатувчи тармоқ меҳнат арбитражи  
тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда  
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши  
ўртасида тузилган Тармоқ даражасидаги ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича  
комиссия қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда  
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида  
тузилган Тармоқ даражасидаги ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиясининг  
2024 йил 15 апрелдаги 2-сонли баённомаси ахборот учун қабул қилинсин.

2. Тармоқ даражасидаги Ижтимоий - меҳнат масалалари бўйича комиссияси  
ҳузуридаги доимий асосда фаолият кўрсатувчи Тармоқ меҳнат арбитражи  
тасдиқлангани инобатга олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг  
ҳудудий бошқарув органлари, агентликлар, тасарруфдаги ташкилотлар ва таълим  
муассасалари раҳбарлари ҳамда Республика кенгашининг ҳудудлар бўйича масъул  
ташкилотчилари, Тошкент шаҳар бўлинмаси кенгаши ҳамда туман ва шаҳар  
кенгашлари раисларига:

- тизимдаги барча ташкилот ва муассасаларда тузилган ижтимоий-меҳнат  
масалалари бўйича комиссия фаолиятини Меҳнат кодекси талабларига мувофиқ  
самарали ишлашини йўлга қўйиш;

- жамоавий низоларни олдини олиш;

- ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминлашини бўйича доимий музокаралар  
олиб бориш вазифалари топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда  
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Веб  
сайтларида ва ижтимоий тармоқларида Меҳнат арбитражлари ҳақида маълумотларни  
жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамизга оламиз.

**Ўзбекистон Республикаси  
Мактабгача ва мактаб таълими  
вазирининг биринчи**

**уринбосари**

**Ф.Боқиев**

**18 К/К-сон**

**2024 йил “26” апрель**

**Ўзбекистон таълим ва фан  
ходимлари касаба уюшмаси**

**Республика кенгаши**

**раиси уринбосари**

**Ш.Джалилов**

**-сон**

**2024 йил “26” апрель**



Ўзбекистон таълим ва фан  
ходимлари касаба уюшмаси  
Республика кенгаши раиси  
Ўринбосари, комиссия ҳамраиси  
Ш.Джалилов

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги  
ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси  
Республика кенгаши ўртасида тузилган Тармоқ даражасидаги  
ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссияси мажлисининг 2-сонли  
БАЁННОМАСИ**

2024 йил «15» апрель

Тошкент ш.

**Раислик қилувчи:** - Ш.Джалилов -Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари, комиссия ҳамраиси

**Иштирок этганлар:** -Тармоқ даражасидаги ижтимоий - меҳнат масалалари бўйича комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

**I. Доимий асосда фаолият кўрсатувчи тармоқ меҳнат арбитражи тўғрисида**

(Ш.Джалилов, Ф.Бокиев ва бошқалар)

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 20 июлдаги 62-2023/Б - сон буйруғи билан доимий асосда фаолият кўрсатувчи меҳнат арбитражи тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 26 июлда 3449 - сон билан рўйхатдан ўтказилди.

Меҳнат арбитражи ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия қарорига кўра унинг ҳузурида тарафларнинг келишуви асосида ҳал этиш (тартибга солиш) учун ўзига топшириладиган жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш (тартибга солиш) мақсадида тузилиши мумкинлиги белгиланган.

Шунга кўра, ижтимоий - меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия томонидан доимий асосда фаолият кўрсатувчи меҳнат арбитражи тўғрисида Низом лойиҳаси тайёрланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва Ўзбекистон Иш

берувчилар Конфедерацияси таклифлари асосида қайта ишлаб чиқилиб, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу асосида тармоқ Меҳнат арбитражини тузиш бўйиче тегишли вазирликлар билан музокаралар олиб борилди. Тармоқ меҳнат арбитражининг таркибини шакллантириш учун сўров хати юборилиб, 5 нафар арбитрдан иборат меҳнат арбитражи таркиби шакллантирилди.

Комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифларни инобатга олиб **Тармоқ даражасидаги ижтимоий - меҳнат масалалари бўйича комиссия қарор қилади:**

**1. Тармоқ даражасидаги Ижтимоий - меҳнат масалалари бўйича комиссияси ҳузуридаги доимий асосда фаолият кўрсатувчи меҳнат арбитражи (Тармоқ арбитражи) тўғрисидаги Низом 1-иловага, Тармоқ арбитражи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Юридик бошқармаси юрисконсулти Хамдамова Садоқат Холмуродовна Тармоқ арбитражи раиси этиб сайлансин.**

### **3. Тармоқ арбитражига:**

жамоавий меҳнат низоси тарафларининг келиб тушган мурожаатларини холисона, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш;

жамоавий меҳнат низолари юзага келганда тегишли вазирлик ва идоралар билан ижтимоий мулоқот, музокалар ва маслаҳатлашувлар олиб бориш;

жамоавий меҳнат низоларининг олдини олиш бўйича тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб борилишини ташкил қилиш вазифалари топширилсин.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг айрим моддаларини амалиётда қўллаш бўйича ўқув-услубий қўлланма тўғрисида**

(Ш.Джалилов, Ф.Боқиев ва бошқалар)

2023 йил 30 апрелдан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси кучга кирди ва мазкур Кодексда меҳнат соҳасида умумэътироф этилган ва халқаро стандартларга мос янги нормалар ўз аксини топди. Бу эса ўз ўрнида ходимлар билан ишлаш йўналишида янгича ёндошувни талаб қилади.

Шунингдек, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси йиғилишининг 2023 йил 26 июндаги 16-сонли баённомасининг 6-бандида Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссияга янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси талабларидан келиб чиққан ҳолда корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар билан ишлаш бўйича ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқиш ва жойларга етказиб бериш

чораларини кўриш вазифаси қўйилди.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг айрим моддаларини амалиётда қўллаш бўйича ўқув-услугий қўлланма лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кўриб чиқиш учун ижтимоий шерикларга юборилди ва улар томонидан билдирилган таклифлар асосида қайта ишлаб чиқилди.

Комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифларни инобатга олиб **Тармоқ даражасидаги Ижтимоий - меҳнат масалалари бўйича комиссия қарор қилади:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг айрим моддаларини амалиётда қўллаш бўйича ўқув-услугий қўлланма тегишли вазирлик ва идораларга, малака ошириш институтларига етказилсин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳудудий бошқармаларига ҳамда барча тизимдаги ташкилот ва муассасаларда тузилган ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия фаолиятини Меҳнат кодекси талабларига мувофиқ самарали ишлашини таъминласин.

**4.** Ушбу баённома **Тармоқ даражасидаги Ижтимоий - меҳнат масалалари бўйича комиссия** аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига, вазирликнинг ҳудудий ташкилотларига юборилсин.

Комиссия котиби



Л.Турикова

**мехнат арбитри** (бундан буён матнда арбитр деб юритилади) - жамоавий мехнат низосини хал этишни (тартибга солишни) амалга оширувчи шахс.

2. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари мехнат арбитражнинг фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.

## 2-БОБ. МЕХНАТ АРБИТРАЖНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3. Мехнат арбитражи Тармок даражасидаги ижтимоий - мехнат масалалари бўйича комиссия (кейинги ўринларда - комиссия) қарорига кўра унинг ҳузурида хал этиш (тартибга солиш) учун ўзига топшириладиган жамоавий мехнат низоларини хал этиш (тартибга солиш) мақсадида тузилган.

4. Арбитрлар уч йил муддатга тайинланади.

5. Мехнат арбитражи беш нафар, арбитрни ўз ичига олади.

6. Арбитрларга қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:  
олий маълумотга эга бўлиши;

мехнат ёки мехнатни муҳофаза қилиш тизимида камида уч йиллик мехнат стажига эга бўлиши.

Тармок даражасидаги ижтимоий - мехнат масалалари бўйича комиссия йнгилишида мехнат арбитражи тузилади, таркиби ва раиси тасдиқланади. Ушбу комиссия йнгилишини онлайн платформалар орқали ҳам ўтказиши мумкин. Мехнат арбитражнинг раислиги ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ҳар уч йилда ротация қилинади.

7. Арбитрларнинг ваколатлари қуйидаги асосларга кўра муддатидан олдин тугатилади:

арбитр комиссияга ваколатини муддатдан олдин тугатиш бўйича ёзма ариза берган тақдирда;

суд томонидан муомаллага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган тақдирда;

унга нисбатан суднинг айблов ҳужми қонуний қучга кирган тақдирда;

суднинг қонуний қучга кирган хал қилув қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда;

арбитр билан, уни арбитрликка тавсия этган иш берувчи ўртасидаги мехнат шартномаси бекор қилинганда. Бу ҳолатда арбитр, мехнат шартномаси бекор қилингани тўғрисида, мехнат шартномаси бекор қилинган кундан кейин 3 иш кунидан кечикмай мехнат арбитражи раисини ёзма равишда хабардор қилиши шарт;

арбитр узрсиз сабабларга кўра арбитраж билан алоқани тўхтатганда.

Иш юритишдаги жамоавий мехнат низосининг пировард натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдорлиги аниқланган арбитр (арбитрлар)нинг мазкур жамоавий мехнат низосини хал этишдаги иштирок таъкиқланади.

8. Арбитрлар тўғрисидаги маълумотлар (унинг Ф.И.Ш., лавозими, маълумоти ва арбитрликка тайинланган сана) у арбитрликка тайинланган кундан эътиборан бир иш куни ичида тарафларнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

1-члова

## Донмий асосда фаолият кўрсатувчи Республика тармок мехнат арбитражи тўғрисида НИЗОМ

Муқаддима.

1-боб. Умумий қоидалар

2-боб. Мехнат арбитражнинг фаолиятини ташкил этиш

3-боб. Мехнат арбитражнинг ҳуқук ва мажбуриятлари

4-боб. Жамоавий мехнат низосини кўриб чиқиш

5-боб. Яқуний қоида

## 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур Низом ходимлар (уларнинг вакиллари) ва иш берувчилар (уларнинг вакиллари) (бундан буён матнда тарафлар деб юритилади) ўртасида юзага келадиган жамоавий мехнат низосини хал этиш (тартибга солиш) учун доимий асосда фаолият кўрсатувчи республика мехнат арбитражнинг (бундан буён матнда мехнат арбитражи деб юритилади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**жамоавий мехнат низоси** - ходимлар (уларнинг вакиллари) ва иш берувчилар (уларнинг вакиллари) ўртасидаги янги мехнат шартларини белгилаш ёки мавжуд мехнат шартларини (шу жумладан, мехнатга ҳақ тўлашни) ўзгартириш, жамоа келишувларини, жамоа шартномасини, шунингдек қонунчиликка мувофиқ ходимларнинг вакиллари билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган мехнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни тузиш ва ўзгартириш ҳамда мехнат тўғрисидаги қонунчиликни, мехнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ва мехнатни муҳофаза қилиш қоидаларини қўллаш масалалари бўйича тартибга солинмаган келишмовчиликлар;

**медиация** - келиб чиққан низони тарафлар ўзаро қабул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида хал қилиш усули;

**медиатор** - медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс;

**жамоавий мехнат низосини хал этиш (тартибга солиш) бўйича давлат органлари** - Қамбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилиги, Қорақалпоғистон Республикаси Қамбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Қамбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари;

**мехнат арбитражи** яраштириш комиссиясида келишувга эришилмаганда тарафлар ўртасидаги жамоавий мехнат низоларини хал этиш (тартибга солиш) учун тузиладиган доимий асосда фаолият кўрсатувчи орган;

### 3-БОБ. МЕХНАТ АРБИТРАЖИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мехнат арбитражнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:  
жамоавий мехнат низосига тааллуқли бўлган зарур хужжатлар ва маълумотларни олиш;

жамоавий мехнат низосига оид тегишли ахборотга эга бўлган шахсларни жалб қилиш ва уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш;  
жамоавий мехнат низосини хал этиш (тартибга солиш) учун унинг сабаб ва шарт-шароитларини жойига чиқиб ўрганиш;

жамоавий мехнат низосини қонуний ҳал этишни таъминлаш мақсадида ишга мутахассисларни, экспертларни жалб этиш;  
зарур бўлган ҳолларда мауайян хужжатни (хужжатларни) экспертизадан ўтказиш чораларни кўриш.

Мехнат арбитражи қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

10. Мехнат арбитражнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:  
жамоавий мехнат низоси тарафларининг мурожаатларини кўриб чиқиш;  
жамоавий мехнат низоси тарафларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш;

зарур бўлган ҳолларда, давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларини жамоавий мехнат низосининг эҳтимол тутилган ижтимоий, иқтисодий ва бошқа оқибатлари тўғрисида хабардор қилиш;

жамоавий мехнат низосининг моҳиятига кўра қарор қабул қилиш;  
жамоавий мехнат низосини кўриб чиқиш вақтида иш берувчининг фаолиятига аралашмаслик, ишлаб чиқариш, шунингдек иш жараёнига зарар етказувчи (тўсқинлик қилувчи) ҳар қандай ҳаракатлардан тийилиши;

жамоавий мехнат низосини кўриб чиқиш боғлиқ ҳолда ўзига маълум бўлиб қолган тарафларга оид маълумотларни ошқор қилмаслик.

### 4-БОБ. ЖАМОАВИЙ МЕХНАТ НИЗОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

11. Жамоавий мехнат низосининг тарафлари қуйидаги асосларга (сабабларга) кўра ушбу низони мехнат арбитражиде хал этиш (тартибга солиш) юзасидан музокаралар ўтказиши шарт:

жамоавий мехнат низосини медиатор иштирокида хал этиш (тартибга солиш) якунланганидан кейин қелишмовчиликлар баённомаси тузилган тақдирда;  
медиатор номзоди хусусида жамоавий мехнат низоси тарафларининг қелишувига эришилиши керак бўлган муддат тугаган тақдирда;

тарафларнинг ёки тарафлардан бири жамоавий мехнат низосини медиатор иштирокида хал этишни (тартибга солишни) рад этганлиги тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган тақдирда;

тарафларнинг ёки тарафлардан бири жамоавий мехнат низосини вақтинчалик арбитражда ёки бошланғич, худудий ёхуд тармок даражасидаги доимий асосда фаолият кўрсатувчи арбитражда хал этишни (тартибга солишни) рад этганлиги тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган тақдирда.

12. Жамоавий мехнат низосининг тарафлари ўзаро музокара натижасида мазкур низони мехнат арбитражиде хал этишга (тартибга солишга) рози бўлган тақдирда, улар томонидан ушбу низо юзасидан ариза мехнат арбитражга топширилгунга қалар мехнат арбитражнинг қарорларини бажариш мажбурийлиги тўғрисидаги шартни ўз ичига олган тегишли қелишув тузилади.

Жамоавий мехнат низоси тарафларининг вақиллари музокара ўтказилган кундан эътиборан тўрт иш кунигача бўлган муддатда ушбу низо юзасидан аризани мехнат арбитражиде хал этиш (тартибга солиш) учун комиссия қотибиятига ёзма ёки электрон шаклда топшириши шарт.

Комиссия ушбу аризани шу куннинг ўзиде Мехнат арбитражнинг раисига топшириши зарур.

13. Мехнат арбитражи жамоавий мехнат низоси топширилган кундан эътиборан бир иш кунини ичиде жамоавий мехнат низоси тарафлари ва бошқа учинчи шахсларни, заруриятга кўра, эксперт ва мутахассисларни ҳам ишни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилади.

Хабардор қилинган бошқа учинчи шахсларнинг қелмаганлиги жамоавий мехнат низосининг кўриб чиқишига тўсқинлик қилмайди.

14. Мехнат арбитражи томонидан жамоавий мехнат низоси ушбу арбитражга хал этиш (тартибга солиш) учун топширилган кундан эътиборан ўн иш кунигача бўлган муддатда хал этилиши (тартибга солиниши) шарт.

15. Мехнат арбитражи жамоавий мехнат низосини ушбу низо тарафлари (уларнинг вақиллари) иштирокида кўриб чиқади.

16. Мехнат арбитражи жамоавий мехнат низосини кўриб чиқишида ҳамда ушбу низога тааллуқли бўлган хужжат ва маълумотларни таржима қилишда таржимон хизматидан фойдаланиши мумкин. Бунинг учун қилинган ва асосланганлиги берилган сарф-ҳаражатларни, шунингдек мазкур жамоавий мехнат низосини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни (ушбу Низонинг 10-банди) қоплаб бериш иш берувчидан (унинг вақилидан) сўралиши мумкин. Бу борадаги низо суд тартибиде хал этилади.

17. Мехнат арбитражнинг мажлисида баённома юритилади, бунда ушбу баённома арбитраж томонидан имзоланади.

18. Мехнат арбитражи жамоавий мехнат низосининг ҳолатлари текширилганидан сўнг, унинг моҳиятига кўра кўпчилик овоз билан қарор қабул қилади.

19. Мехнат арбитражи томонидан жамоавий мехнат низоси бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

тарафлар томонидан жамоавий мехнат низосини хал қилиш бўйича қелишувга эришганлиги тўғрисида;

тарафлардан бири жамоавий мехнат низоси юзасидан кўриб чиқилаётган талабдан воз кечганлиги тўғрисида;

жамоавий мехнат низосини кўриб чиқиш натижаси бўйича даврони қаноатлантириш, қисман қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш тўғрисида.

20. Мехнат арбитражнинг қарори у қабул қилинган кундан эътиборан кейинги иш кунидан қечиктирмай жамоавий мехнат низоси тарафларига ёзма ёки электрон шаклда топширилади.

21. Мехнат арбитражининг қарорига куйидагилар кўрсатилиши керак:  
жамоавий мехнат низоси юзага келган давлат органи ёки бошқа ташкилотнинг номи;  
мехнат арбитражининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар;  
қарор қабул қилинган жой ва сана;  
тарафлар ёки уларнинг вакилларининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;  
жамоавий мехнат низосининг предмети ва унинг мазмун-моҳияти;  
мехнат арбитражининг қарорига олиб келган асослар (далиллар), шунингдек тегишли қонунчилик ҳужжатларига ҳаволалар;  
арбитрларнинг имзолари.
22. Мехнат арбитражининг қарори қабул қилингандан кейин уч иш кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига жамоавий мехнат низолари юзасидан чиқарилган қарорларнинг ягона электрон реестрига киритиш учун юборилади.
- Мехнат арбитражининг қарори жамоавий мехнат низоси тарафлари учун мажбурий кучга эга ҳисобланади.
23. Мехнат арбитражининг қарори бажарилиши устидан назорат жамоавий мехнат низосининг тарафлари, шунингдек жамоавий мехнат низосини ҳал этиш (тартибга солиш) бўйича давлат органи томонидан амалга оширилади.
24. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан жамоавий мехнат низолари юзасидан чиқарилган қарорларнинг ягона электрон реестри юритилади.
- Бунда, ушбу реестрда жамоавий мехнат низолари юзасидан чиқарилган қарорнинг рақами ва санаси ҳамда арбитражнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

#### **5-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДА**

25. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

26. “Мехнат арбитражлари жамоавий мехнат низосини ҳал этиш (тартибга солиш) вақтига ўз вазифаларини бажаришда иш жойлари ва ўргача иш ҳақлари сақланиб қолган ҳолда озод этилади, улар ўзлари вакил қилган ташкилот томонидан рағбатлантиришлари мумкин”.

**Доимий асосда фаолият кўрсатувчи Республика тармок меҳнат арбитражи таркиби**

<b>№</b>	<b>Ф.И.Ш.</b>	<b>Лавозими</b>	<b>Маълумоти ва мутахассислиги</b>	<b>Номзодни тавсия этган ижтимоий шерик номи</b>
1.	Хамдамова Садоқат Холмуродовна	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Юридик бошқармаси юрисконсулти, меҳнат арбитражи раиси	Олий Ҳуқуқшунос	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
2.	Мусурмонов Жўрабек Латипович	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Мурожаатлар бошқармаси бошлиги, арбитр	Олий Педагог	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
3.	Муҳамедалиева Дилбар Абдурахмановна	Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош юрисконсулти, арбитр	Олий Ҳуқуқшунос	Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши
4.	Турикова Лазоқат Машрабовна	Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси, арбитр	Олий Иқтисодчи	Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши
5.	Яратов Жамил Васильевич	Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, арбитр	Олий Педагог	Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши